Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 14 апрель, чоршанба № 66 (21.417).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

„ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МЕНИНГ" конкурсига

Ғулом АЛИЕВ.

ЗУЛАЙҲО

Моҳир тикувчи Зулайҳо Хидировани ҳамкасблари қўли гул чевар, деб эъзозлайдилар. Зеро, у бундан бир неча йил бурун корхонага ишга келган пайтидаёқ уқувли, уддабурон эканлигини намойиш қилганди. Устозлари уни келажакда моҳир тикувчи бўлади, деб башорат қилишганди.

Зулайҳо Хидирова Самарқанд вилояти маиший хизмат уюшмасига қарашли «Юлдуз» давлат кичик корхонасининг моҳир чеварларидан бирига айланди. У белгиланган топшириқларни ортиғи билан бажармоқда.

—Энг муҳими, — дейди Зулайҳо, — маҳсулотни сифатли қилиб тайёрлаш. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай буюм ҳам харидоргир бўлавермайди. Шу боис корхонамизнинг қўли гул чеварлари ўзлари тайёрлаётган аёллар, эркаклар, болалар устки кийимларини ҳар томонлама бежирим қилиб тайёрлашга интилаётирлар.

Зулайҳонинг ўзи эса аҳдига содиқ қолиб, шу пайтгача биронта нуқсонли маҳсулот тайёрлагани йўқ. Унинг қўлидан чиққан буюмлар назоратчилар томонидан юксак баҳоланади.

Хуллас, илғор чеварлар меҳнат қилаётган кичик корхонада ойига 200 минг сўмлик турли устки кийимлар тикилиб, давлат дўконларига етказиб берилаётир.



Суратда: ўз ишининг устаси, моҳир чевар Зулайҳо Хидирова.

• *Ишбилармонлар ҳузурида*

ҚОЗОН ҲАМ МОЙ, ЧЎМИЧ ҲАМ МОЙ...

КАТТАҚЎРҒОН РАЙОН ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР АССОЦИАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИ ШУҲРАТ ҚУДРАТОВ БИЛАН СУҲБАТ.

— Биласизми, менга иккита гап алам қилганди. Биринчидан, нега деҳқон ва чорвадорни ҳалигача ношудликда айблашади. Гўё у фақат хом ашё етиштириш учун яралган. Қайта ишламоқчи бўлса, йўл беришмайди. Иккинчидан, қишлоқдан чиққан ишбилармонларни таловчилар кўп. Чунки унинг кўнгли юмшоқроқ, инсофи бор.

— Демак шунинг учун деҳқончиликни ташлаб ассоциацияга ўтибсиз-да?

— Атайин эмас, албатта. Давр шуни тақозо этди. Ўзимда тижорат учун мойиллик сездим. Бундан ташқари кўп йил агроном бўлиб ишлаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини тезда аниқлайдиган бўлдим. Мен сизга айтсам, деҳқондан чиққан тижоратчи деҳқонни алдамайди. Аксинча, ундан кўпроқ маҳсулот олишга ҳаракат қилади.

— Хўш, сиз уларга нима бердингиз?

— Аввалambор, уларда агар меҳнат қилсангиз, яхши маҳсулот етиштирсангиз, яхши даромад оласиз, деган ишончни пайдо қилдим. Бу гапни амалда исботладик. Устозим — ассоциация президенти Тоштемир Йўлдошев билан биргаликда иқтисодий қийинчилик шароитида райондошларимизга ёрдам беришга интилдик.

Товар айирбошлаш орқали келтирилган 800 тонна шакар аҳолига 46 сўмдан тарқатилди. Колхозчиларга даромаддан ташқари 62 миллион сўм пул мукофот сифатида берилди. Заводга топширилган қўшимча ҳосилни қайта ишлашдан олинган 2.200 тонна чигит, 750 тонна шелуха, 520 тонна шрот, 220 тонна ёғ ҳам хўжаликларга бўлиб берилди.

Кўпгина хўжаликлар, ҳатто ассоциациялар ҳам пиёзни сотмасдан ҳозиргача сақлаб келишди. Биз эса кузнинг охирида уни арзон нархдаги ёғоч-тахта материалларi, цемент ва кўмирга алмаштирдик. Қимматга сотаман, деганлар пиёзни чиритиб қўйишди. Демоқчиманки, қайта ишланмайдиган нарсани сақлаб ўтиришдан фойда йўқ.

— Хўжаликлар сиздан хом ашё ўрнига фақат маҳсулот оладими?

— Албатта аввалига қабул қилинган ҳосилнинг пулини берамиз. Баъзан бу рақам айрим хўжаликларнинг йиллик даромадига тенг бўлади. Масалан, «Бўстон» жамоа хўжалиги ўтган йилги ҳосилдан 12 миллион сўм қўшимча даромад қилди. Бунинг устига арзон нархда кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтириб сотамиз. Икки йил ичида деярли барча хўжаликларни картотекадан қутқардик, десам хато бўлмайди. Илгари ойликка пул тополмай турган хўжаликлар эндиликда мукофот беришга ўтди. Масалан, «Пахтакор» жамоа хўжалиги 50 тонна, Назаров номли жамоа хўжалиги 30 тонна шакарни ўз аъзоларига бепул тарқатишди. «Зарафшон» жамоа хўжалиги эса ҳар килосини 16 сўмга камайтириб сотди.

— Демак, деҳқон кўпроқ ҳосил етиштиришдан, сизга ҳам иложи борича кўпроқ ҳосил топширишдан манфаатдор?

— Биласизми, агар биз етиштиришни ва сотишни билсак, дунёда пахтадан қимматбаҳо нарса йўқ. Айниқса кейинги икки йилги даромадни кўрган деҳқонлар пахтага бошқача муносабатда бўлаяптилар. Ҳатто чорвачиликка ихтисослашган «Мойбулоқ» давлат хўжалиги ҳам 192 тонна пахта топширди. Пулга чақсангиз, бу 18 миллион сўм бўлади. Район ўрмончилик хўжалиги, Каттақўрғон нав синаш станциялари ҳам бўш ерларига пахта экдилар. Айтгандай, бизда сифат биринчи ўринда туради. Ҳосилни хўжаликларда ўз пунктларимизда қабул қиламиз.

— Қандай ниятлар, режалар бор?

— Эҳе, улар олам қадар кўп! Биринчидан, деҳқон ўзи етиштирган ҳосилига яраша ҳақ олишини таъминлаш. Иккинчидан, доимий муносабатларни ўрнатиш. Учинчидан, қишлоққа қайта ишлаш саноатини келтириш. Шу йилнинг ўзида Маъди Султонов номли жамоа хўжалигига Америкадан 16,5 минг тонна пахтани қайта ишловчи кичик завод келтирамиз. Австриядаги фирма билан эса кичик пивс заводи ҳамда мева қуритиш цехи учун шартнома тузганмиз. Бундан ташқари келгусида қўшимча ҳосилдан олинган толани тўқиттириб келтириш ниятимиз бор. Хуллас, омон бўлсак, деҳқоннинг косасини оқартирамиз.

Суҳбатдош

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ТЕРМИЗ, 13 апрель («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали). Бугун Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ҳ. Э. Бердиев бошқа ишга ўтгани муносабати билан сессия уни вилоят ҳокими вазифасидан озод қилди. Сессияда Жарқўрғон район ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Жўра Норалиев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Шунингдек, сессия Термиз райони ҳокими бўлиб ишлаб келаётган Ж. Абдуҳакимовни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасига сайлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов иштирок этдилар.

ҲОКИМЛАР САЙЛАНДИ

Термиз шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияси Қ. Аҳмедовни бошқа ишга ўтгани муносабати билан шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган М. Холбоев шаҳар ҳокими қилиб сайланди.

* * *

Шеробод туманида ҳам ҳоким ўзгарди. Т. Тошпўлатов соғлиги ёмонлашгани ва ўз аризасига кўра сессия томонидан Шеробод туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Сурхондарё вилояти ҳокими бўлиб ишлаб келган Ҳ. Э. Бердиевни сессия туман ҳокими этиб сайлади.

* * *

Халқ депутатлари Денов туман Кенгашининг сессиясида Эшмурод Турдалиев бошқа ишга ўтгани муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи муовини бўлиб ишлаган Тилло Менглиев Денов тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

* * *

Ушбу сессияларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Б. Умурзоқов қатнашдилар.

О. УСАНОВ,

* * *

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар кенгашининг сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Ишда хато ва камчиликларга йўл қўйгани учун шаҳар ҳокими Улуғбек Ҳакимов вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат қўмитаси Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Муқимжон Жўраев шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Фарғона вилоят ҳокими Мирзажон Исломов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *Шовот–Қўшкўпир темир йўли қурилишида*

ЧИҚИМГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Район меҳнат аҳли кучи билан Шовот-Қўшкўпир оралиғида 12 километрлик масофада темир йўл тармоғи бунёд этилмоқда. Унинг қурилаётгани бежиз эмас. Ёнилғи ва мойлаш материаллари харид нархи осмон-у фалакда. Шу боис темир йўл бекатларидан анча узоқда жойлашган районлар, жамоа хўжаликлари, ўнлаб саноат, қурилиш, ҳатто транспорт корхоналарининг ўзига ҳам юк ташиб келтириш ва жўнатишда қимматга тушяпти. Йил сайин неча ўн миллион сўм пул фақат йўл харжи учун сарфланмоқда.

Хоразм вилоятининг биргина Қўшкўпир райони бўйича сарфланадиган бундай маблағ йилига ўртача 45-50 миллион сўмдан ҳам кўпроқни ташкил этар экан. Нега дейсизми? Ахир, районга тегишли маҳсулотларнинг, қурилиш материаллари-ю жиҳозларнинг деярли ҳаммаси бу ерга Урганч шаҳридан ҳамда темир йўлнинг Шовот тумани ҳудудидаги 420-разъезддан юк транспортларида ташиб келтирилади-да. Биргина Урганч шаҳри билан Қўшкўпир марказии оралиғидаги бориш-келиш масофанинг ўзи қарийб етмиш километрни, айрим хўжаликлар оралиғидаги масофа эса ҳатто 120—130 километрдан ҳам кўпроқни ташкил этади. Район учун Шовотдаги разъезддан юк ташиб келтиришнинг ҳам ўзи бўлмаяпти. Бу масофаларни қисқартириш, миллион-миллион сўм харажатларни, киши-куни ва соатларини кескин тежаш йўқмикан иложи?

— Бор! — дейди ҳаётий бу саволга Қўшкўпир район ҳокими Олтибой Ражабов. — Биз бу муаммони ўрганиб, уни ижобий ҳал этишнинг амалий режасини ишлаб чиқдик. Шу режага асосан жорий йил бошида районимизда «Оқ йўл» ҳиссадорлик-акционерлик жамияти ташкил этилди. Унга 48 та ташкилот, муассаса ва корхона, жамоа хўжалиги, кооператив ва кичик корхона аъзо бўлиб, қисқа вақт ичида юз миллион сўмга яқин маблағ тўпланди. Ҳатто кўпгина олийҳиммат кишиларимиз ҳам ўз саховатини аяшмади. Натижада темир йўлнинг ўша 420-разъездидан районнинг силикат ғишт заводигача бўлган 12 километрлик масофага пўлат из ётқизиш учун тупроқ кўтариш ишларини олдиндан тайёрланган лойиҳа асосида ўз кучимиз билан бошлаб юбордик.

Шовот—Қўшкўпир темир йўли қурилиши шу йилнинг ўзида ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилади. Унга сарфланадиган маблағ узоғи билан икки-уч йилда ўзини қоплайди, — дейди қатъий ишонч билан район ҳокими. — Натижада узоқлардан катта чиқимлар эвазига юк ташиб келтиришдан қутиламиз. Пировардида эса йил сайин салмоқли миқдордаги маблағни тежаш, ундан район иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришда фойдаланиш имконига эга бўламиз.

МУХБИР ФИКРИ: Қўшкўпир районигача бошлаб келтириладиган мазкур темир йўл тармоғи қурилишини Хива шаҳри ва туманигача давом қилдирлса қандай бўларкин! Негаки, Хива шаҳри ва тумани Урганч ва Шовотдан юк ташиб келтириш учун ҳар йили сарфлаётган маблағ қўшкўпирликлар харжидан кўп бўлса кўпки, аммо оз эмас. Темир йўлни эса бу ерга Қўшкўпир ҳудуди орқали келтириш анча қулай. Арзонга ҳам тушади. Нимага деганда, бу ёқдан масофа анча яқин. Ҳар жиҳатдан қулай. Бу ёғи энди хиваликларнинг ўзларига ҳавола.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Бозор иқтисодиёти билан юзма—юз*

КОРХОНА ОМБОРИ МАҲСУЛОТГА ТЎЛДИ

БИРОҚ УНИ ЧЕТГА СОТИШНИНГ ИЛОЖИ БЎЛМАЯПТИ

Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Средазкосмос» қўшма корхонаси маҳсулот тайёрлашни тўхтатишига тўғри келди. Ишлаб чиқариш билан машғул бўлган 200 нафардан зиёд киши мажбуран таътилга чиқарилди. Хўш, нега шундай бўлди?

Бунинг сабабини айтишдан олдин ушу корхонанинг Ўзбекистонда тутган мавқеи ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдик. «Средазкосмос» қўшма корхонаси кабель маҳсулотлари бўйича республика эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан бирга ўз маҳсулотларининг 80 фоизини МДҲ давлатларига, хорижий мамлакатларга сотади. Бу ерда тайёрланаётган юқори кучланишли назорат ва идора кабелларига бўлган талаб кейинги пайтда янада ортмоқда.

— Ўтган йили 7 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардик, — дейди корхона бош директори Н. Мостовой. — Бу йил ҳам уч ойлик режа ортиғи билан бажарилди. Республикамиздаги буюртмачилар маҳсулот билан тўлиқ таъминланди. Бироқ яқин ва узоқ хориждаги буюртмачиларга вақтида маҳсулот етказиб беришнинг иложи бўлмаяпти.

Гап шундаки, корхона ҳар куни етти вагонда кабель жўнатсагина чет билан белгиланган шартномаларни уддалай олади. Айни пайтда ўзи ҳам хом ашё билан таъминланади. Бироқ республикадан ташқаридаги истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш бирмунча кечикиб бажарилмоқда.

Бунга сабаб битта — корхонада давлат божхона бўлими очилмаганлиги. Маълумки, республикамиз мустақил бўлгач, давлат божхона қўмитаси ташкил этилди. Унинг хизматидан халқ миннатдор. Негаки, жумҳурият бойликларининг четга ноўрин чиқарилиши сақлаб қолинмоқда. Эндиликда улар ишини енгиллатиш мақсадида йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам давлат божхонаси бўлимларини очишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилаётир.

Масалан, биргина кабель бирлашмасининг ўзида кунига ўндан зиёд вагон юк четга жўнатилади. Унинг ҳар бирини текшириб чиқиш учун анча вақт талаб этилади. Агар муддатида улгурилмаса, вагонлар туриб қолади. Очиғи, ҳозир «Средазкосмос» қўшма корхонасида бундай ҳолат кўп такрорланмоқда. Натижада корхона кунига режалаштирилганидан 2-3 та кам вагон юборишга мажбур бўляпти.

Бугунга келиб эса корхонада ярим миллиард сўмлик маҳсулот жўнатилмасдан қолди. Бу ерда тайёр маҳсулотни қўйишга жой қолмади ҳисоб. Ҳатто корхона ҳудудидаги очиқ майдонда ҳам кабеллар тахланиб ётибди. Дастгоҳлар бекор туриб қолгани туфайли маъмурият ишчиларни мажбурий таътилга чиқарди.

Бироқ шу ўринда таъкидлаш жоиз: Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий қийинчиликларга қарамай ишчилар сонини қисқартириш, ишдан бўшатиш каби нохушликларни четлаб ўтмоқда. Қайтанга янги-янги иш жойлари ташкил этилиб, кўплаб кишилар иш билан таъминланяпти. Дарвоқе, бу ерда Ўзбекистон Президенти И. Каримов фармони асосида ишчи-хизматчилар кафолатли ижтимоий ҳимояланмоқда.

Бинобарин, биргина муаммо, яъни маҳсулотни четга сотишнинг давлат божхона қўмитаси билан биргаликдаги ечими топилса бўлгани. Корхона раҳбарларининг фикрича, энг мақбул йўл — бирлашманинг ўзида божхона бўлимини очиш. Шундай қилинса, юкларни текшириш жараёни бирмунча тезлашади. Бу эса четдаги истеъмолчиларга ҳам вақтида маҳсулот жўнатиш имконини яратади. Республика давлат божхона қўмитаси раҳбарлари ушбу таклифни ўрганиб чиқиб, уни ижобий ҳал қилсалар Тошкент кабелчиларига катта ёрдам берган бўлишарди.

С. ШАМСУДДИНОВ,
Тошкент шаҳри.

КУН ТАРТИБИДА— ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

ФАРҒОНА. Маслаҳатли тўй тарқалмас, дейди халқимиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топган биринчи кунларидан бошлабоқ бу удумга амал қилиб келмоқда. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми қарори билан вилоятларда ўтказилаётган ХДП бошланғич ташкилотлари котиблари ҳамда партия кенгашлари масъул ходимлари, фаолларининг семинар-кенгашлари фикримизни тасдиқлайди.

Кеча Фарғона шаҳрида шундай тадбирларнинг водийда биринчиси бўлиб ўтди. ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов, Марказий Кенгаш иккинчи котиби М. Қирғизбоев, республика Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори А.М. Жалолов, ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби А. А. Мирсалимов ва бошқаларнинг маъруза ва нутқларида партиямизнинг бир йилдан кўпроқ вақт ичидаги фаолиятига якун ясалди, навбатдаги вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Эндиликда партиямиз олдида янада муҳимроқ ва мураккаброқ вазифалар турибди. Партия Раиси, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг асарларида асослаб берилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий қурилиш соҳасидаги ишларни амалга оширишга кўмаклашиш, уларнинг моҳиятини ҳар бир фуқарога яхшилаб тушунтириш лозим.

Сиёсий ижроқўм «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» ягона мавзусида барча бошланғич партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишларини ўтказишни тавсия этди. Мақсад шу номдаги дастурий рисолада баён этилган вазифаларни тушунтириш билан бирга ҳар бир жамоанинг ўз вазифаларини белгилаб олиш, уларни бажаришда одамларимизнинг ташаббускорлигини, фаоллигини оширишдир.

Семинарда бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг халқ орасидаги таъсирини ошириш, оммавий-сиёсий ишларнинг самарали бўлишига эришиш масалаларига катта эътибор қилинди, тегишли тавсиялар берилди.

С. ҚУРБОНОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЧЕВАРЛАР ДАВРАСИДА

ГАЗЕТАНИНГ ФАХРИЙ МУҲАРРИРИ АКМАЛ ИКРОМОВ НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ ТУМАНДА БАЙРАМ УЧРАШУВИ

Улар бу учрашувни анчадан бери орзу қилиб юришарди. Туман раҳбарлари — ҳоким Осимхон Алихўжаев ва ХДП кенгашининг биринчи котиби Шуҳрат Ёқубов «майли, отахон газетанинг ижодкорлари билан бўладиган учрашувни сизларнинг ҳузурингизда ўтказамиз», дейишганида астойдил мамнун бўлишди. Кутган меҳмонлари — журналистлардан бир гуруҳи ишхоналарига ташриф буюришиб, «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги байрами учрашувларини расман шу ердан бошлаётганликларини маълум қилишганида янаям хурсанд бўлиб чапак чалиб юборишди...

Ҳа, Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги «Чевар» акционерлар жамияти (илгари ишлаб чиқариш бирлашмаси эди) нинг ишчи-хизматчилари ҳалол, самарали меҳнатлари билан эл, жумладан, қалам соҳиблари, маданият ходимлари эътиборини қозонган кишилардир. Улар ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари, тикаётган турли-туман кийим-кечаклари харидоргирлиги, бежиримлиги билан халққа манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби учрашувни очар экан, тумандошларининг ана шундай меҳнат ютуқларини тарғиб қилишга ҳисса қўшаётган, илғорларини элга танитаётган, айни вақтда камчиликларини ўз вақтида огоҳлантириб, тузатишга ёрдам бераётган қадрдон газетанинг ижодий жамоасини, юбилей комиссияси аъзоларини, таниқли муаллифларни шонли

(Давоми иккинчи бетда).

● Газетамизнинг 1992 йил 8 август сонида босилган «Сурхондарёда сусткашлик» сарлавҳали мақола ҳалиҳануз воҳа одамлари ўртасида тилдан-тилга ўтиб юрипти. Мақола вилоят иқтисодиётидаги таназзулнинг туб сабабларини самимий, рўй-рост кўрсатиб бергани билан ҳамманинг диққатини тортганди. Одамларни ижтимоий ҳимоялаш, кадрларни танлаш, жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан жиддий камчиликларга йўл қўяётгани учун ваколатли раҳбарларга жиддий эътирозлар айтиб ўтилганди. Газетанинг танқиди туртки бўлиб, шоядки вилоят раҳбарлари хатоларини ўнглаб кетсалар, деб кўплар енгил нафас олгандилар.

БИРОҚ, мақолани ўша раҳбарлар нохушлик билан кутиб олгандай бўлди. Хатто айрим расмий давраларда, танқид ғаразгўйлик билан ёзилган, деган фикрларни жамоатчиликка ҳавола этишга уринишлар кузатилди. Ва худди шу ҳолатнинг мантиқий давоми бўлса керакки, вилоят ҳокими мақолада билдирилган мулоҳазалар хусусида газетага жавоб йўллашни ўзига лозим топмади.

Орадан қарийб бир йил ўтгач, биз жавоб ололмадик, ота гўри — қозихона қилиб ўтириш ниятимиз йўқ. Гап бир энлик жавобда эмас. Ҳокимлик танқиддан хулоса чиқардими? Ҳокимликнинг яхши ишлаши газета учун эмас, халқ фаровонлиги, иқтисодиётимиз тараққиёти, мустақил Республикамизнинг равнақи учун керак. Шу йўлда кўзга кўринарли саъй-ҳаракатлар бўляптими ёки ҳамон «эски ҳаммому эски тос» мазмунидаги оҳанглар устиворми?

Ният—тирноқ орасидан кир излаш эмас. Республикамиз Президентининг Фармонларини бажариш борасида Сурхондарёда бир талай хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, Музработ, Жарқўрғон районларида қишлоқ хонадонларини газлаштириш суръатларидан кўнгил тўлади. Дашт районн Қизирикда аҳоли ичимлик сув билан тўла таъминланди. Кечагина шунчаки қўрғон ҳисобланган Ангор бугунги кунда Шарқ меъморчилиги усулида қад кўтараётган мўъжаз шаҳарга айланмоқда. Қарийб бир йилнинг ўзида Шўрчи районида юмшоқ мебель, атлас тўқиш, пойабзал тикиш фабрикалари қурилди. Вилоятда ягона аккумулятор цехи ишга тушди. Тўқимачилик, тикувчилик фабрикалари қурилиши давом этмоқда. Вилоятда маҳаллий саноатни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга молик. Оғир саноатнинг пойдеворларини қуришга уринишлар бўлаяпти.

Сурхондарёликлар бултур сифатли пахта тайёрлаш бўйича юқори кўрсаткичга эришдилар ва бунинг эвазига пахтачиликдан катта даромад олдилар. Хуллас, воҳа одамлари ўз юртларини обод қилиш йўлида қўл қовуштириб қараб турганлари йўқ: ишлаяптилар, ижод қиляптилар, изланмоқдалар.

Энди бир нарсани таъкидлаймиз: иқлимининг қулайлиги, ер, сувининг мўллиги жиҳатидан беқиёс имкониятлари мавжудлигига қарамасдан Сурхондарё моддий ишлаб чиқариш ҳажми ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Республикада энг қуйи ўринларда туради. Бу ҳолат, табиийки, вилоят халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтириб, ўстириб бориш лозимлигини тақозо қилади. Биз юқорида тилга олган мақолада худди шу нарсанинг —ўсишнинг кузатилиши ўрнига иқтисодиётда чекиниш, пасайиш содир бўлаётганини кўрсатувчи рақамлар келтирилганди. Айтиш мумкинки, чекиниш, пасайиш давом этди. Бу гапимизнинг тўғрилигини кўрсатмоқ учун ўша мақолада қайд этилган рақамларга қуйидагиларни илова қиламиз.

1992 йилда вилоятда 3 миллиард 963 миллион 17 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бу солиштирма нарх мезонига солиб кўрилганда 1991 йилги кўрсаткичдан 298 миллион 228 минг сўмга камдир. Бошқача айтганда, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга пасайган. Вилоят назорат — тафтиш бошқармасининг маълумотларига кўра 1992 йилда тугалланмаган қурилишлар ҳажми 231,1 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1993 йилнинг бошида бу ҳажм 306,6 миллион сўмликка тўғри келган. 1992 йил мобайнида режадаги 16 та қурилиш объекти, жумладан Шероботдаги қариялар уйи, бешта мактаб, 2 та болалар боғчаси, Хўжакон — Шеробод сув қувури, поликлиника ишга туширилмай қолди. Солиштирма нархларда қиёслаганда савдо хизмати кўрсатиш ҳажми олдинги йилдагидан қарийб тенг ярмига қисқарди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси уддаланмади.

магазинидан пахта мойи ололмай, идиш кўтариб икки марта Денов даги мой заводига бордим. Заводнинг «чайқови»дан қиммат баҳода мой олиб қайтдим. Давлатнинг маҳсулотини чайқовга чиқариш қачон тўхтайди, ахир» деди. Бу гап айтилган кенгашда иштирок этаётган район миқёсидан то вилоят миқёсига қадар нуфузли раҳбарлар деҳқоннинг саволига на жавоб айтдилар, на эътироз билдирдилар.

Дарвоқе, Денов мой заводидаги ғирромчилик, қонунбузарликларни газетамиз бу гаплардан анча илгарироқ («Кимнинг чўмичи мой, кимники лой», фельетон. «Ўзбекистон овози», 1992 йил сентябрь) кўтариб чиққан эди. Ўшанда ҳам шундай бўлди. Фельетонга биров на эътироз билдирди, на жавоб йўлдади. «Тегирмон» бўлса эскичасига айланаверди. кимдир машина-машина мой сотган бўлса, кимдир қозон осишга мой тополмай қолди. Солиштирма нархларда қиёслаганда савдо хизмати кўрсатиш ҳажми олдинги йилдагидан қарийб тенг ярмига қисқарди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаси уддаланмади.

Яқинда Муртозев Жўра деган танишимни шифохонада учратиб қолдим. Даволанаётган экан. Кўлимга қоғоз узатди. Шу қоғозда ёзилган шаҳар касалхонасига ажратилган «Москвич» автомашинаси 1992 йил давомида вилоят медицина ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раисининг хизматида бўлган ва бу хизмат 55,3 минг сўмлик маблағни қонунсиз харажат қилишга олиб келган.

Бу тафсилотни эшитиб Муртозев кулди. Мақолга уста одам экан: «Балиқ бошидан сасийди» деди. Оддийгина дорини деб бировга сарғайиб турган одамнинг ҳолатини бир кўрсангиз эди.

Давлат машиналарини худди отасининг мулкидай олди-сотди қилишнинг «Қурбоновча усули» ҳаммасидан қизиқ. Иброҳим Қурбонов кўп йиллар нуфузли вазифаларда ишлаб келган, номенклатура деб аталмиш имтиёзли доирада мустаҳкам ўрнашиб олган одам. Кейинги йилларда у вилоят уй-жой, коммунал хўжалиги бошқармасининг бошлиғи вазифасида ишлади ва 1992 йилга келиб нима учундир машина савдоси билан жиддий шуғулланиб қолди. 1992 йилнинг июль ойларида идораси учун, аниқроғи, ўзининг «служебка»си сифатида янги ГАЗ-31029 маркали машинани бир миллион 375 минг сўмга сотиб олди. Танишлари Қурбоновни хотираси ўткир одам, дейишади. Лекин худди шу хотираси ўткирлиги-ю ҳисоб-китобга пишиқлиги сабаб бўлибми (ёки панд берибми) 1992 йил ноябрь ойида янги мотор, эҳтиёж қисмлар қўйилган, эгарланган бедовдай ГАЗ—24 маркали бошқарманинг автомашинасини 20.987 сўмга ўзи сотиб олган. Аниқроғи, Қурбоновнинг иродаси билан идорининг қимматбаҳо мулки сув текинга сотиб юборилди.

Фуқаро Қурбонов, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳисоб-китобга пишиқ одам. Ўзининг манфаатига зид бирон қадам босмас. Лекин бошқарма бошлиғи Қурбоновнинг бошқарма мулкини (демак, давлатнинг, халқнинг мулкини) хомталаш қилишдаги хотамтойлигини кўринг: бошқарманинг ўзига зарур бўлиб турган КамАЗ—532113 маркали юк автомашинаси «Автомобилист» кичик корхонасига сотилганда, машинанинг нархи бор йўғи 63 ярим минг қилиб бичилди. Бошқарма ҳисобидаги фойдаланиш сахни 200 квадрат метрлик бино 4 йил давомида «Далварзин» кичик корхонасига бепул бериб қўйилди. Аллақандай брокерлик идораларига пул ўтказилди.

Давлат маблағини шу тарзда талонторож қилиш вилоят халқ таълими бошқармасида ҳам (бошлиғи Э. Уроқов) авжига чиқди.

УМУМАН юқори идоралар томонидан назорат интизоми бўшаштирилганда, сансалорликка йўл қўйилган жойда қуйи идора раҳбарлари томонидан мулкни ножўя тасарруф қилиш, мулкнинг баракасини учириш ва охир оқибатда кўпнинг ризқу насибасига зиён етказиш худди ҳамиргдан қил суғургандай силлиққина рўёбга чиқаверар экан. Денов даги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалигида ҳам шундай бўлди. 1992 йил эрта кузда вилоят ҳокимиятининг идораларида «Ҳазорбог» давлат хўжалигида 1991 йили тайёрланган 10156 тонна пахтанинг 17 фоизи куюнди (угар)га чиқиб кетгани (бу нормадагидан уч ярим — тўрт баравар зиёд) муҳокама қилинди. Ўшанда вилоят пахта саноати концернининг раиси бўлиб ишлаб турган Жамолиддин Халилов бу фактни қуйидагича шарҳлаган эди.

— «Ҳазорбоғ»нинг директори Менгқобил Норқобилов пахта тайёрлаш пунктини хўжаликнинг ихтиёрига олди. Пахтанинг намлигию ифлослиги бўйича қабул пунктининг анализлари билан пахта тозалаш заводида ўтказилган анализлари ўртасида 7-8 фоизгача фарқ чиқиб қолди. Завод толани ва чигитни тупроқдан эмас балки фақат пахтадан олишга қодирлигини биз совхоз раҳбарларига кўп тушунтирдик. Уларнинг эса тушунгилари йўқ. Угарнинг кўпайиб кетиши ниманинг белгиси, дейсизми? Қўшиб ёзишнинг белгиси-да!

Шу масала кўтарилган мажлисда вилоят давлат назорат бошқармаси бошлиғи Қ. Бобоқулов, «Давлатни, халқни алдамайлик. Бугун режани бажарайлик деб қўшиб ёзамизу, эртага мой заводи учун чигит топиб беролмай ўтирамиз. Ойни этак билан ёпишни бас қилайлик», деди. Лекин Норқобилов анойи эмас экан. Сувдан қуруқ чиқди ва деярли ўша кунлари Норқобилов яна бир «операция»га қўл урди. «Орзу» деб аталган кичик корхонага (кейинги пайтларда Сурхондарёда кичик корхоналарга катта ҳомийларнинг кўпайиб кетгани кишини ажаблантиради). 515,5 тонна буғдойни 1694 — юк қозони орқали арзон нархлаб насияга бериб юборди.

—Вилоят ўз эҳтиёжига керакли буғдойнинг учдан икки қисмини нене ташвишлар билан қаерлардан олиб келиб турган пайтда «Ҳазорбог» нега бунақа иш қилди экан? Норқобиловнинг боши шамолда қолдимикан, — деган эди биз билан суҳбатда сирдош раҳбарлардан бири.

Лекин, Норқобиловнинг боши шамолда қолганга ўхшамасди, Катта миқдордаги буғдойни «Орзу» кичик корхонаси «Тошкентвино» комбинатига жўнатади. «Комбинат бунинг эвазига спирт беради, спиртни сотиб, бойиб кетамиз», деб мақтанганди директор. Мақтанганнинг уйини кўр, дейдилар. Хўжаликни Тошкентдан келиб тафтиш қилишди. Норқобиловнинг меъёридан ошириброқ мақтанишни тафтишчиларга маъқул тушмаган бўлса керакки, улар директорга ён босишмади. Вилоят агросаноат уюшмаси тафтиш якунларига кўра Норқобиловни ишдан бўшатипди, деган гаплар қулоққа чалинди.

Норқобилов кўп йиллар бошқарган «Ҳазорбоғ»дай йирик, бир вақтлар республикада довруғи кетган, 20 минг атрофида аҳоли истиқомат қилиб турган хўжаликнинг ҳавас қилса арзигулик томони қолмади: режалар бажарилмайди. Тармоқлар ривожланишдан қолган, иқтисодида дармон йўқ, давлатдан қарздор, ресурслардан фойдаланиш даражаси паст. Бир гап билан айтганда «Ҳазорбог» ҳазон бўлди, Норқобилув-ку, қаридим энди деб пенсияга чиқиб кетар. Хўжалик иқтисодинг майиб бўлган умуртқасини тиклаб олиш осонга тушмаслиги аниқ.

«Ҳазорбоғ» манзарасини биз яна кўплаб хўжаликларнинг, ташкилот ва идораларнинг мисолида кўришимиз мумкин. Лекин гапни мухтасар қилиб шуни айтиш керакки, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги бир томонлама ёндошувлар жойларда содир бўлган қонунбузарлик, хато-камчиликларга муросагўйлик, воқеа-ҳодисаларга вақтида холисона баҳо бермаслик ижтимоий адолат принципларининг дарз кетишига олиб келди. Пировардида одамлар ўртасида айрим раҳбарларга нисбатан ишончсизлик вужудга келди. Майда-чуйда низолар, гуруҳбозликлар, гап-сўзлар оқим юзасидан қалқиб чиқа бошлади. Денов шаҳрида шу йил 19—20 март кунлари содир бўлган кўнгилсиз воқеани ҳам худди шундай иқлимнинг ҳосиласи деб баҳолаш мумкин.

Бу воқеанинг келиб чиқиш сабаби жуда оддий: умумий овқатланиш корхонасининг бир омборига ким мудирлик қилиши хусусида тортишув бошланган. Ақл-идрокдан кўра эҳтиросларнинг устун келди. Тортишув жанжалга айланди. Жанжалда икки кишига пичоқ санчилди ва улардан бири ўлди. 8 та уй-жой ёқиб юборилди. Уй эгаларига 2 миллион сўмлик моддий зарар етказилди.

Вилоят ҳокими Ҳ. Э. Бердиев бу воқеага муносабат билдириб зудлик билан қабул қилган қарорида «Вилоят матлубот жамияти раиси Х. Нурматовнинг Денов туман матлубот жамияи раиси А. Бўронов ва шаҳар матлубот жамияти раиси И. Расуловларни эгаллаб турган лавозимларидан озод этганликлари тўғрисидаги ахбороти маъқуллансин», деб ёзди.

МАВРИДИ келганда биз қарорни юқорида иншо қилинган бандига шарҳ бериб ўтамиз. Ҳокимнинг Расуловга нисбатан хулосаси одилона хулоса эканлигини таъкидлаймиз. Айни пайтда буни пичоқ суякка етгандан сўнг чиқарилган хулоса деб баҳолаймиз. Бундай дейишимизнинг боиси бор.

«Халқ сўзи» газетаси 1992 йил 10 октябрь сонида ўшанда район матлубот жамиятининг раиси бўлиб ишлаб турган. И. Расулов ва унинг кирдикорлари тўғрисида «Замона зўрники... эмас!» деган фельетон босди. Фельетонда раисннг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари, жумладан унинг ўнлаб енгил автомобилларни юқори идораларнинг фармойишисиз сотиб юборгани, икки тоннадан зиёд бензинни нотўғри чиқим қилгани, «шакар операция»сида қўли борлиги баён қилинди. Ҳамма жойда бўлгани каби Сурхондарёда ҳам газетада босилган фельетонни ҳамма (айниқса раҳбарлар) ўқийди. Бу фельетон ҳам ўқишга ўқилди-ю, лекин изини қувиштирадиган одам топилмади. Аксинча, ваколатли идораларнинг йўлакларида, вилоятдаги мухбирлар тирноқнинг ичидан кир қидирадиган бўлиб қолишяпти, деган пичингнамо гаплар кезиб қолди. Ва орадан кўп вақт ўтмай Деновдаги савдо идораларида кичкинагина ислоҳот ўтказилиб, фельетоннинг қаҳрамони Расулов шаҳар матлубот жамияти раислигига кўтарилди.

Энди гапни Денов шаҳар прокурори А. Турдиевдан эшитинг: 19—20 мартдаги воқеаларда илгаригидан бирон жиддий зиддият, қасдлашув ҳолатлари йўқ эди. Аксинча, иккала гуруҳ (иккала уруғ деса ҳам бўларди) бир-бири билан қуда-қудағайлашиб кетган, тўю-таъзияси бир одамлар эди. Айни пайтда улар ўртасида айрим келишмовчиликлар бўлган ва раис Имом Расуловни вазиятдан, бу келишмовчиликдан мутлақо бехабар эди, деб бўлмайди. Шундай экан, ўша бехосият омборнинг мудирини тайинлаш жараёнида озроққина тадбиркорлик кўрсатганда, оқсоқоллик қилганда, эҳтимол, хунук ҳодисаларнинг олди олинган бўларди.

Қолаверса, бу ўринда Денов милициясининг катакон «хизмати» бор. Омбор мудири тақдири аслида, савдо идорасидамас, милиция бошлиғининг зимдан берган кўрсатмаси билан ҳал бўлган эди. Бу фактлар адолатли ечимини топиши керак.

Ва умуман қонунбузарлигу қонунни қўриқлайдиганларнинг жиддий ҳато-камчиликларидан жабр тортаётган одамларнинг оҳу-нолалари, мурожаатларига, ариза-шикоятларига панжа орасидан қараб келаётган раҳбарларнинг фаолиятидан қаноат ҳосил қилиш мумкинми? Шундай экан, ҳаммага ойнадай равшан бўлиб турган хатолигу камчиликларни кўра била туриб, Сурхондарёда сусткашлик булутлари тарқалаяптими ёки қуюқлашаяптими, жавоб бера оламизми?

Раҳбарликдаги одиллик, адолатпарварлик, кўпнинг манфаатини баланд қўйиш эл-юртнинг фаровонлиги, аҳилу-осойишталигини сақловчи гаровдир. Шу гаровга бўлган ҳар қандай ишончсизлик фаровонлигу осойишталик мувозанатига путур етказиши мумкин. Элнинг фаровонлиги ва осойишталиги эса ҳамма нарсадан муқаддасдир.

Шояд, кечаги кунимиз бугун ва келажак учун сабоқ бўлса. Мақоладан кўзланган муддао ҳам аслида шу. Сурхондарёнинг ёркин келажаги олдинда!

О. УСАНОВ.
«Ўзбекистон овози»нинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Жиззах вилоят фаолларининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ҳамда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларини ўрганишга бағишланган йиғилиши бўлди.

Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Насим Норниевнинг маърузасида ва сўзга чиққанларнинг нутқларида мазкур рисолаларда мустақил республикамиз тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб берилгани таъкидланди, уларда баён этилган фикрлар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими Алише Тошкенбоев йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари республика Президенти Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилди.

●

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими Ботир Маҳмудов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган фикрлар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққанлар республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, жумладан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги йўл-йўриқлари меҳнаткашлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётганини таъкидладилар.

(ЎзА).

БОҒ-РОҒЛАР, ТОКЗОРЛАР КЎПАЯДИ

⊙ Қорақалпоғистон Республикасида мева кўчатлари ўтказиш қизғин давом этмоқда.

— Бу йил бир миллион туп мева кўчатлари ўтказиб, тўрт минг гектар майдонда боғ-роғлар барпо этамиз, — дейди «Қорақалпоқмевасабзавотузумсаноат» раиси С. Керимбоев. — Асосан олма, қорали, олча, шафтоли, ўрик каби кўчатлар ўтказамиз. Кегейли ва Элликқалъа районларининг мева кўчатлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликларида иқлимимизга мос мева кўчатларининг тайёрланиши, боғдорчилики, токчиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Республика хўжаликларида мева кўчатлари ўтказиш қизғин давом эттирилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧЕВАРЛАР ДАВРАСИДА













(Давоми. Боши 1-бетда).

сана билан самимий табриклади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби, «Ўзбекистон овози» газетаси 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш комиссиясининг раиси Муқимжон Қирғизбоев Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун жонкуярлик билан олиб борилаётган эзгу ишларда, курашда ишчининг ҳам, ижодкор зиёлининг ҳам меҳнати бирдай аҳамиятқиммат касб этишини, уларнинг бундай ўзаро алоқалари эса, мана шу улушларни кўпайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Халқ демократик партиямизнинг, унинг бош нашри бўлган юбиляр газетанинг асосий шиори ҳамиша халқ билан ҳамнафасу ҳамқадам бўлиш, унинг дил сўзларини эшитиб, дарду ташвишлари билан яшашдир, деди сўзини давом эттириб иккинчи котиб.





«Ўзбекистон овози»нинг бош муҳаррири Ш. Убайдуллаев йиғилганларга ўз даврида Акмал Икромов, Шароф Рашидов каби буюк давлат ва жамоат арбоблари имзоси билан нашр этилган, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзоданинг эъзозли минбари бўлган газетанинг асосчилари, тарихи, анъаналари, режалари ҳақида қисқача гапириб берди.

«Чевар» акционерлар жамиятининг Президенти Азиз Каримов туман аҳли изланишларини, жумладан, ўз жамоасининг меҳнатини элга тарғиб этаётган, ўқишли материаллари — мақола, шеър ва ҳикоялари, бадиий ва публицистик асарлари билан ўзларига илҳом бағишлаётган журналистларга миннатдорчилик билдириб, тўёна сифатида «Ўзбекистон овози»нинг ҳисобига маблағ ўтказганликларини маълум қилди.

Учрашувга ташриф буюрган таниқли адиб, газетага қарийб йигирма беш йил раҳбарлик қилган фахрий муҳаррир Мақсуд Қориев ўз хотиралари билан ўртоқлашди. Шоирлар — Жуманиёз Жабборов ва Муҳаммад Юсуф эса йиғилганларга ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди.

«Чевар» акционерлар жамияти қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Нозли ёр» дастаси учрашув иштирокчилари асарлари асосида тайёрланган қўшиқларини совға этишганида залдаги байрамона руҳ янада кўтарилиб кетди. Истеъдодли хонанда ва созанда Тоживой Назаров бошчилигидаги бу даста қизларининг дилбар рақслари мезбонларни ҳам, меҳмонларни ҳам мамнун этди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Акмал Икромов тумани партия кенгашлари ташаббуси билан уюштирилган учрашувда маданиятпарвар, зиёсевар дўстларимизнинг дил сўзларини, табрикларини, тилакларини эшитар, концерт туҳфаларини томоша қилар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр қуйидаги сатрлар келди:

«Чевар»чилар ҳақиқатан чеварлар,
Чунки ишиң дил-дилидан севарлар.
Бундайларнинг истиқболи порлоқдир,
«Нозли ёр»ин овозлари янгроқдир!

Юсуф БЕРДИЕВ.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

● *Журналларнинг янги сонларида*

«МУЛОҚОТ»

Журналнинг 3—4 сонлари қўшма ҳолда нашрдан чиқди. Журнал мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китоби юзасидан ташкил этилган давра суҳбати билан очилади. Суҳбатда мазкур китобда кўтарилган масалалар, Президентнинг миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи ва тараққиёти ҳусусидаги сиёсий тактикаси ва стратегияси ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади. Айни вақтда назарий ва амалий таклифлар ўртага ташланади. Бир гуруҳ таниқли мутахассислар ва назариячилар Президент И. Каримовнинг сиёсий йўлини ҳар жиҳатдан маъқуллаб, мазкур китобнинг илмий, сиёсий ва дастурий аҳамиятини алоҳида таъкидлайдилар.

Ўзбек миллий байрами — Наврўз хонадонимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Журналдан ана шу байрамнинг миллий анъаналар ва урф-одатларининг бир қисми сифатида талқин этилган қатор мақолалар ҳамда Наврўз термалари жой олган. Узоқ йиллар сиёсат ва бошқарув ишларида фаолият кўрсатган фарғоналик Турғуной Эгамбердиева «Миллат ўлмайди» сарлавҳали мақоласида миллий урф-одатлар, анъаналар ва расм-русумлар олий қадрият сифатида эъзозланган жойда миллат тобора баркамоллашиб, равнақ топа бориши хусусида ўткир, ҳаяжонли фикрларни ўртага ташлайди. Ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган бу мақола кўпчилик муштарийларга манзур бўлиши шубҳасиз.

Маданий меросни ўрганиш, тарих ҳақиқатини тиклаш, маданий ва маънавий бойликларга муносабатни бутунлай ўзгартириш масаласи, шу кунниинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, биз ўз тарихимизнинг ҳақиқий қиёфасини тикламасдан туриб, ўтмишимизга ҳар томонлама ҳолисона баҳо бермай туриб, мустақил давлатимизнинг маънавий баркамоллигига эриша олмаймиз. Журналда ана шу масалага ҳам кенг ўрин берилган. А. Бердимуроднинг «Бибихоним қабрининг очилиши», А. Хўжаевнинг «Маҳдуми Аъзам» мақолалари ана шулар жумласидандир. Абдусодиқ Ирисниинг «Чаҳорёр» туркумидан «Али ибн Абу Толиб» ҳаёти ҳақидаги мақоласини ҳам ана шу рукн остида ўқишингиз мумкин.

Шунингдек, журналдан ёзувчи А. Ҳасаннинг «Сарбадор Раҳимов» ҳикояси, С. Ашурнинг шеърлари ўрин олган. Ҳар галгидек, журналнинг сўнгги саҳифаларида «Мулоқот» дафинаси» билан танишасиз.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Муборак районидаги «Хитой» жамоа ширкат хўжалиги Тошкент трактор заводи билан уч йилдан бери ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома боғлаган. Шартномага кўра завод ишчилари хўжалик техникасини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаши, таъмирлашга ёрдам бериши, ширкатчи деҳқонлар эса ишчиларга ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тортиқ этиши керак.

Завод томонидан бу йил ҳам хўжалик техникаси учун 4 мингта шпиндель, 4 мингта чўтка, тасма ва бошқа эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАТЛАР, ХАТЛАР, ИЧИ ТЎЛА ДАРДЛАР...

Халқ айтгани ҳақ чиқар

⊙ КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

ЭШИККА КЎЗ ТИККАН ҚИЗЧА

Ростини айтсам, бу қизча ҳақида ёзмоқчи эмасдим. Лекин ҳар кўрганимда эзиламан. Наҳотки шунчалар бағри тош, бемеҳр одамлар бўлса-я, деб ўйлайман. Ахир бу қизчанинг биз яшаб турган даргоҳга олиб келган акаси борку. Келинг, яхшиси воқеани бир бошдан сўзлай.

Аввалларн унинг дераза сидан ҳар гал ўтганимда қимирламай ўтирганидан ҳайрон бўлиб, таажжубланардим. «Бечора, узоқдан эшикка тикилганн тикилган», деб ўйлардим. Ахири бўлмай унинг ҳолидан хабар оладиган бўлдим. Сўзлашиб, суриштириб билсам, қимирлолмаслигига сабаб бечоранинг оёқлари шол экан. Бу ҳам майли-я, тақдирга тан бериб, шифосини берса зора, дегандай шукр қилса бўлади. Лекин у меҳрга ташна эди.

— Исмим Урозгул, Аскароваман, — дейди у камтарлик билан, — Амударё район, Хитой қишлоқ, Охунбобоев номли жамоа хўжалигиданмиз. Акам Пармон Аскаров сиз билан биз яшаб турган ногиронлар уйига ташлаб кетганига ҳам мана уч йилдан ошди. На хабар олишади, на хат ёзишади...

Мен ҳам шунисига ҳайронман. Наҳотки, байрамларда икки энлик хат битиб, кўнгил олиш шунчалар қийин бўлса. Уларнинг орасида нима ўтган, менга қоронғу. Балки вақт етишмас, ёки иқтисодий қийинчилик. Нима бўлганда ҳам шу ўтган йиллар мобайнида ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам туғишган синглисидан хабар олиш йигит кишининг қўлидан келарди, деб ўйлайман.

Умр оқар дарё, дейдилар. Ахир бу кунларга етганлар ҳам етмаганлар ҳам бор. Шунчалар ҳам меҳрни дариғ тутадими кишн! Зеро, яхши одамлар кўп. Урозгулдан ҳам, умуман, бизга ўхшаганлардан етти ёт бегоналар хабар олиб, кўнгилимизни кўтариб турибдилар. Айниқса, Олмалиқ шаҳар гўшт комбинати ва металлургия комбинатининг ишчи хизматчилари келишиб, меҳр-мурувват кўрсатиб кетишмоқда. Биз уларни дуо қиламиз. Атайлаб «Узбекистон овози»га ёздим. Зора, бағри тош Пармон Аскаров бундан хабар топиб, унутган синглисини ёдга олса...

Абдулла ҲАЙИТОВ,
Оҳангарон.



Қишлоғимиздан кетманг, оққушлар.

Камол ТУРСУНОВ олган сурат-лавҳа.

• *Мамлакатимиз бўйлаб*

⊙ НАВОИЙ

КОНИМЕХДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Конимехда қувончли воқеа юз берди. Газли — Чимкент газ тармоғи орқали Конимехга газ қувурлари етиб келди. Табиий газдан биринчи навбатда Соли Каримов номли кўча аҳолиси баҳраманд бўлди. Бу кўчадаги юзга яқин хонадон бекалари табиий газдан фойдаланмоқдалар. Шу воқеа муносабати билан ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Район ҳокими Жалолиддин Нуруллаев меҳнаткашларни яратилган қулайлик билан табриклаб, қурувчиларга миннатдорчилик билдирди. Сўнгра табиий газ жўмраги бураліб, рамзий машъала ўт олдирилди.

А. РАҲМОНОВ.

⊙ НАМАНГАН

КУНИГА 20 ТОННА ГЎШТ

Наманганда Австрия ишбилармонлари билан ҳамкорликда янги гўшт комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди.

Қўшма корхона замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган. Комбинатда кунига 20 тонна гўшт, 5 тонна колбаса ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот сақлаш, дудлаш хоналари, гўшт қадоқлаш, тери шилиш ускуналарининг ҳаммаси Австриядан келтирилган. Қурилишни 10-трестга қарашли 16-бинокорлик бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишди.

Ф. ЯУЛИЧЕВ.

⊙ САМАРҚАНД

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Қадимий шаҳарда меҳнаткашларга транспорт хизмати, хусусан троллейбусларда йўловчилар ташиш ишини янада яхшилашга бағишланган республика йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишни уй-жой, коммунал-хўжалик вилоят бошқармасининг бошлиғи Сергей Арустамов бошқарди. У қадимий шаҳарда меҳнаткашларга транспорт хизмати кўрсатишда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида гапирди. Кейин республикадаги троллейбусчиларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги долзарб вазифалари ҳақида фикр юритилди. Жумладан, Наманганда бу соҳада олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ экани маълум бўлди. Нукус, Бухоро, Андижон ва Олмалиқ шаҳарларида хизмат кўрсатишни бундан буён яхшилаб юбориш йўл-йўриқлари ҳақидаги мулоҳазалар ҳам кўпчиликка маъқул бўлди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

⊙ ФАРҒОНА

ГАЗЕТАГА МОДДИЙ ЁРДАМ

Олтиариқ районида Наврўз байрами ўзига хос нишонланди. Қўқон шаҳрида эса ўқувчиларга стипендиялар бериш йўлга қўйилди.

Олтиариқликлар Наврўз байрамини тантанали нишонлаб, қувончларга тўлишди. Айниқса, шу куни дунёга келган болалар, собиқ компартия, кейинчалик ХДП сафида 50 йил бўлган кишиларга муносиб совғалар улашилди. Айём арафасида уюштирилган ҳашардан тушган 110 минг сўм пул «Давр овози» район газетасига моддий ёрдам тариқасида ўтказиладиган бўлди. ХДП Қўқон шаҳар Кенгаши ҳам хайрли ишга қўл урди. Чунончи, шаҳар мактабларидаги иқтидорли ўқувчилардан 20 нафарига ҳар ойда партия кенгаши ҳисобидан махсус стипендия бериб туришга қарор қилинди.

А. ПЎЛАТОВ.
В. МИРЗАЕВ.

⊙ ТОШКЕНТ

ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСИН

Собир Раҳимов районидаги «Узган» маҳалласида нишонланган Наврўз байрами зўр шодиёнага айланди.

Байрам ўтказиш учун ҳозирланган кўча безатилиб, ўзига хос тўйхонага айлантирилди. Куй-қўшиқлар, сурнай наволари тараладн. Кеч оқшом эса дошқозонларда тотли сумалак пиширилди. Отахонлар истиқлол йўлида келажаги порлоқ юртни, фаровон халқни ўйлаётган юртбошимизни дуо қилдилар. Маҳалла қўмитасининг раиси Забихилла Абдуллаев мустақиллик ва уни мустаҳкамлаш ҳар бир кишининг шу катта ишга қўшадиган ҳиссасига боғлиқлиги ҳақида сўзлади. Наврўз айёми маҳалла аҳлида унутилмас таассурот қолдирди.

Р. СУЛТОНОВ.

⊙ АНДИЖОН

ЖАСОРАТГА ЯРАШГУЛИК МУКОФОТ

Марҳамат районидаги Холдовонбек қишлоғида истиқомат қилувчи Носиржон Раҳимов Ватан манфаати йўлида фалокатга учраган эди.

Тўрт боланинг отаси Н. Раҳимов вилоят божхона бошқармасининг кичик нозири эди. У республикамиздан қонунбузарлик йўли билан 4,5 тонна ёнилғини олиб чиқиб кетишга уринган машинани тўхтатишда ғилдирак остига тушиб қолганди. Оғир аҳволда қолган Носиржон район марказий касалхонасига ётқизилди. Мана, икки ойдирки, даволанмоқда. Соғайиб кетса ажабмас. Республика давлат божхона қўмитаси ўз бурчини сидқидилдан адо этиб, ўзига хос жасорат кўрсатган Носиржон Раҳимовга эътибор қилмоқда. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур чора-тадбирлар кўрилди. Республика «Наврўз» жамғармаси эса Носиржон Раҳимовни «Москвич» енгил машинаси билан сийлашга қарор қилди.

М. АБДУЛЛАЕВ.

• *Яхшини кўриб шукр қил...*

ШИРИН СЎЗЛИККА НИМА ЕТСИН

Ҳар қандай шароитда ҳам инсоний қадр-қимматни аввал қўядиган одамлар бор бўлсин, дегим келади. Бойси, истиқболи порлоқ давлатни бунёд этарканмиз, турмушимиз фаровонлашиб, бозорларимиз тўлиб борар экан зиноҳор одамгарчилик, ўзбекона меҳр-мурувват эътибордан четда қолмаслиги керак.

Хизмат юзасидан Андижонга бориш учун поездда сафар қилишга тўғри келди. Тошкент — Андижон поездига чиқдим. Вагон хизматчисининг: «Хўш, келибсизлар, меҳмонлар. Қани ичкарига марҳамат», деган овозидан руҳим кўтарилди. Ҳамма ёқ тоза ва файзли кўринарди. Ҳар соҳаним ўз жонкуяри бўлсин-да, деб кўнглимдан ўтказдим.

Вагон хизматчисининг ҳатти-ҳаракатлари-ю ган сўзлари кишини ҳайратга соларди. У бировни ака, бошқасини ука ёки опа-сингил, деб худди меҳмон кутаётгандай муомала қиларди.

— Қани, меҳмонлар, чипталарингизни бир кўриб қўйсам.

— Чойга марҳамат қилинглар, руҳингизни тетиклаштиради.

— Мана оқшом ҳам қўниб қолди, марҳамат қилиб, чойшабларни олинглар, яхши ётиб, хайрли тушлар кўринглар...

Унинг сўзларидан кўнглим илиб суҳбатга тортдим.

— Энди, акажон, йўловчилар бизнинг таянчимиз. Умримиз йўлда ўтгандан кейин уларни кўнглини олсак, бундан ўзимиз ҳам тасалли топамиз. Яхши сўз ҳам, ёмони ҳам бир оғиздан чиқади. Умуман, қўпол муомалада бўлишликка эскичасига ҳам, янгичасига ҳам ўрин йўқ. Бунинг устига Андижон фарзандимиз. Аллома Бобур ватанининг ўғлонлари хуш муомалалиги билан ажралиб туриши лозим.

Манзилга яқинлашганимизни унинг: «Меҳмонлар-ов, Андижонга кириб келяпмиз, яна шошилиб қолманглар», деган овозидан уйғондим. Вагондан тушаётиб унинг исм-шарифини сўрадим: «Андижон — Тошкент» поездининг А. Юнусов бошлиқ бригададаги 7-вагони хизматчиси Муҳаммаджон Қодиров», деб кулги аралаш ҳарбийларга хос жавоб қилди у.

Қўчқорбой ҲАКИМОВ,
хизматчи.

• *...ёмонни кўриб фикр қил*

БОР ОТАНГГА, БОР ОНАНГГА

Ҳурматли редакция. Бир неча йиллик сарсон-саргардонликдан кейин сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Чунки бормаган ерим, учрашмаган идорам қолмади. Ишим ҳеч олдинга босмаяпти. Воқеа эса бундай бўлган эди.

Уч йил аввал октябрь ойининг 26-куни Тошкентнинг Кадишев кўчасида автомобиль ҳалокатига йўлиқдим. Мен бошқариб бораётган «Запорожец» машинасини кутилмаганда «Жигули» машинаси уриб юборди. Албатта давлат автоинспекцияси ходимлари бу воқеани ҳужжатлаштириб, айбдор Б. Нурмуҳаммедовни жавобгарликка тортишди. У Ҳамза район халқ судининг ҳукми билан 1991 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 208-банди, 1-қисми бўйича 2 йилга аҳлоқ тузатиш жазосига тортилди. Менга эса келтирган зарар бўйича 2816 сўм 88 тийин ундириб бериладиган бўлди. Шундан 1500 сўми почта орқали 1991 йилнинг август охирларида уйимга юборилди.

Вақт ўтган эди. Мен бу пулга ўша вақтда машинани таъмирлашга имкон топмадим. Нарх-наволар анча кўтарилиб қолган эди. Бунинг устига Тошкент шаҳар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган корхонадан ўтган йилнинг мартида имтиёзли навбатга қўйилганим, яна икки кишидан кейин «Запорожец» автомашинасининг корпусини олишим мумкинлиги ҳақида хат олдим. Хўш, мен нима қилишим керак? Бошида, машинангизнинг абжағи чиқиб кетган, уни таъмирлашнинг имкони йўқ, дейишди. Кейин эса машина корпуси турли сабаблар билан келмаётганини важ-карсон қилишди.

Нарх-наво ошиб бормоқда. Ўзим биринчи гуруҳ ногирони бўлсам. Машинани Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан олган эдим. Қачонгача оқсоқ оёқда идорама-идора юриб, ҳаммага ялинаман. Наҳотки, бир ногироннинг оғирини енгил қиладиган йўл-йўриқ, имтиёзлар бўлмаса.

Абдуғани АБДУРАШИДОВ
биринчи гуруҳ ногирони.

ХУШХАБАРЛАР

● САМАРҚАНД. Пайариқ районидаги 45-мактабга муносиб ном қўйилди. «Ленинизм» жамоа хўжалигига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Салоҳиддин Йўлдошев номи абадийлаштирилиб, мазкур мактабга унинг номи берилди.

Раҳим ХУДОЙҚУЛОВ.

● ЖИЗЗАХ. «Ҳамзобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Назаровлар оиласи савобли ишга қўл уришди. Улар Тожикистонга инсонийлик кўмаги тариқасида 30 та чўян печкани совға қилишга қарор қилдилар.

Бектемир СОЙИБНАЗАРОВ.

● НАМАНГАН. Нон комбинатида печеньелар тайёрлаш линияси ишга туширилди. Чиқитсиз технология асосида ишлайдиган бу линияда бир кунда 2—3 тоннагача печенье ишлаб чиқариш имконияти бор.

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ.

● ТОШКЕНТ. Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтида таниқли артист давлат мукофоти совриндори Зикир Муҳаммаджонов билан учрашув бўлиб ўтди. Талабалар санъаткор ижросидаги «Мирзо Улуғбек», «Алишер Навоий» спектаклларидан парчаларни мароқ билан томоша қилдилар.

Забиҳилла ИБРОҲИМОВ.

ҲАР САТРДА БИР НИДО

● ҚАРШИ. Деҳқонобод район телефон тармоқлари узелининг «усталари» бировнинг телефонини бошқага улаб, фойдаланиш йўлини топганга ўхшайдилар. Буни 31-1-89, 31-9-32 телефонларига қўнғироқ қилсангиз, гўшакни бошқа одам кўтарганидан билиб олиш мумкин.

Абдухалил ХУДОЁРОВ.

● СИРДАРЁ. Пахтакор районида электр қуввати пасайиб, ундан наф олиш имконияти қолмаяпти. Электрчи Т. Исаев билан Х. Мирзаевлар ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашяпти. Ҳар ойнинг 15 кунида 2—3 соатлаб ток бўлмай қолади. Топган гаплари трансформатор зўриқишни кўтаролмаётган эмиш.

Х. ЭГАМБЕРДИЕВ.

● ЯНГИЙЎЛ. Тошкентдаги Собир Раҳимов номли метро бекатидан Янгийўл шаҳар бозоригача автобус қатнаб турарди. Нима учундир кейинги пайтда автобус ҳаракатининг йўналиши ўзгартирилиб, Янгийўл шаҳри оралаб (шаҳарда транспортнинг 23 хили хизмат қилишига қарамай) юрадиган бўлди. Бу йўловчиларга қийинчилик туғдирмоқда. Бир соат вақтимиз бекор кетяпти

Вир гуруҳ йўловчилар номидан Б. ТОПИЛДИЕВ.

• *Газетхон илҳоми*

ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҒИ

Қул элнинг шоҳи бўлгунча, эркли элнинг гадоси бўл,
Уни асраб, жаҳон ичра доно мардлар аъзоси бўл.
Қадимдан халқлар орзулаб, кутар эрди бу кунларни,
Бугун халқингни шод айлаб, кўнгил дардин давоси бўл.
Ватанни айлай озод деб, кўп ўғлон бўлди қурбонлар,

Ушал жонини тикканлар руҳи покин нидоси бўл.
Бу тақчиллик, юпун турмуш, шамолдай бари ўткинчи,
Кўмак бўлгин элингга сен, деҳқондек серғизоси бўл.
Шу кунда кимга осон, айт, қийин ҳар бир одамга ҳам,
Тутиб ўзингни бардамроқ, бу йўлни раҳнамоси бўл.

Аҳил бўлса барча мўмин боз англаб ўзлигини ҳам
Буюк аждодинг лойиқ авлодинг бир сиймоси бўл.
Оғишма тўғри йўлингдан, сўзлайвер тўғри сўзингни
Ва лекин сўзда Деҳқоний имонликлар садоси бўл!

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

● **САВОЛ: Мен ишлаб чиқариш корхонасига уч ойлик муддат билан ишга кирган эдим. Муддат тугагандан кейин ҳам ишлашни давом эттирдим. Энди ишдан бўшамоқчиман. Хоҳлаган вақтда бўшаш учун ариза беришим мумкинми?**

С. ҲАКИМОВ,
Урганч.

⊙ **ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари мажмуасининг 25-моддасига мувофиқ маълум муддатга тузилган меҳнат шартномаси ўша муддат тугагандан кейин томонларнинг ўзаро келишуви билан янги шартнома тузилиши мумкин. Агар шартнюманинг муддати тамом бўлишига қарамасдан меҳнат қилинаётган бўлса, ҳар икки томон ҳам ишни тўхтатишни талаб қилмаса у ҳолда меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади. Демак, сиз, ўз ихтиёрингиз билан ишдан бўшовчилар қаторида маъмуриятни 2 ой аввал огоҳлантириб қўйишингиз лозим.

● **САВОЛ: Биз Тошкент трактор заводида ишлаб турганимизда ҳарбий хизматга чақирилдик. Айтингчи, бизнинг хизмат даврнмиз учун 13-маош сақланадими?**

С. ОДИЛОВ,
Наманган.

⊙ **ЖАВОБ:** Собиқ СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат қўмитаси ҳамда ВЦСПС президиумининг 1977 йил 6 июлдаги қарори билан (ҳозир ҳам амалда) тасдиқланган ишчиларни йил мобайнидаги меҳнат эвазига йил якунида бериладиган маош тартиби ва шартлари ҳақидаги тавсияга асосан ҳарбий хизматга чақирилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган ишчи ва хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўтаган даври учун 13-маош тўланмайди.

● **САВОЛ: Мен муҳандис сифатида ҳамдўстлик мамлакатларининг бирига сафарга бордим. Бухгалтерия суткалик пулни 50 сўмдан ошмайди, деди. Амалда эса мен кўпроқ харажат қилдим. Айтингчи, сафар ҳаражатлари тўғрисида бирор янгилик борми?**

А. ҚОСИМЖОНОВ,
Тошкент.

⊙ **ЖАВОБ:** Ҳа бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 1 февраль 34—Ф сонли фармойишига биноан 1993 йил 1 январдан бошлаб сафарга юборилган ходимлар учун суткалик харажатлар, турар жойдан фойдаланганлик учун кетадиган сарфлар бир марта кўпайтирилди. Сафар харажатлари энг кам иш ҳақининг қуйидагича коэффициенти миқдорида тўланиши белгиланди:

— Ҳамдўстлик мамлакатлари пойтахтларига сафарга борганларнинг суткалик (1 кунлик) харажати — 0,08, яъни 200 сўм.

— Бошқа шаҳар ва аҳоли пунктларига сафарга юборилганларнинг суткалик харажати — 0,06, яъни 150 сўм.

Турар жойлардан фойдаланганлик ва йўл харажатлари (бориш-келиш) учун ҳақ амалда қилинган харажатлар доирасида (люкс хоналардан ташқари) тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўланади. Турар-жойлардан фойдаланганликни тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинмаган тақдирда ҳамдўстлик мамлакатлари пойтахтларига сафар қилганларга кунига 75 сўм миқдорида, бошқа жойларга юборилганлар учун 50 сўм миқдорида тўланади.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

• *«Узбекистон овози»га жавоб берадилар*

«УЗОҚҚА БОРМАГАН ҚУВОНЧ»

Газетамиз саҳифасида ўтган йил охирларида ана шундай сарлавҳали луқма эълон қилинган эди. Унда муаллиф «Сирдарё» давлат хўжалигининг «Ҳақиқат» участкасида газлаштириш ишлари сабабсиз чўзиб юборилаётгани ҳақида фикр юритган. Раҳбарларнинг қурилишни давом эттириш учун маблағ етишмаётганини рўкач қилишаётгани ҳақида мулоҳаза билдирилган эди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Сирдарё вилоят ҳокими муовини Б. Пайзиев имзоси билан жавоб мактуби олдик.

Жавобда мазкур мақола билан танқшиб чиқилгани, унда кўрсатилганидек, газлаштириш ишлари бўйича камчиликлар борлиги маълум қилинади. Хўжалинда газ қувурларини ўтказиш 1990 йилда Янгийўл шаҳар «Сантехмонтаж» бошқармаси кўмагида амалга оширилган экан. Кейинчалик хўжалик ҳисобида маблағ етишмаслиги оқибатида беш километр масофадаги газ қувурлари «Сирдарёгаз» қурилиш бошқармаси иш режасига киритилган. Бундан ташқари, ишларнинг тўхтаб қолишига асосий сабаблардан бири қувурларнинг асосий қисмини республикамизга четдан вақтида етказиб берилиши таъминланмаганлигидир. Бу йилги режага кўра «Сирдарё» давлат хўжалигини газлаштириш учун икки километр масофага қувурлар ётқизиш мўлжалланган.

Темур тузуклари



Тимур тўзуклари

Яна амр этдимки, урушдан бир кун олдин лашкарни сафга тизсинлар ва тузукка мувофиқ уни фавжларга ажратиб, душман томонга қараб юрсинлар. Лашкар отларининг боши кўзланган йўналишга қаратилсин ва юрар йўлдан чап ёки ўнг ёққа бурилмасин. Яна буюрдим, сипоҳийлар кўзи ғаним лашкарига тушиши ҳамоноқ, баланд овоз билан «Аллоҳу акбар!» деб такбир айтсинлар ва сурон[1] солиб, душман черики устига бостириб борсинлар.

Лашкар назоратчиси (оризи лашкар) сардорнинг жанг вақтида хато қилганини кўрса, дарҳол унинг ўрнига бошқа сардорни ўтиргизсин. Амирларга ва сипоҳийларга эса мен унга ишонч билдириб берган зафарнишон ёрлиғни кўрсатсин.

Амир этдимки, сардор лашкар назоратчиси билан бирга душман сипоҳининг оз-кўплигини мулоҳаза этсинлар, саркардаларини ғаним лашкарбошилари билан солиштирсинлар. Шунга қараб, ўз сипоҳларининг каму-кўстларини тўғрилаб, жангга ҳозирласинлар. Яна ўз сипоҳининг қурол-аслаҳаларини душманники билан таққосласинлар. (Шунингдек), ғанимнинг уруш олиб бориш йўлларини: шошмасдан, бир зайлдами ёки шиддат билан жангга киришини кузатсинлар. Яна ғанимнинг жанг қилиш тартибини чамалаб кўрсинларки, улар бор аскари билан бир йўла от қўйиб шиддат билан ҳужум қиладими (турктоз) ёки фавж-фавж бўлиб, кетмакет ҳамла этадими? Яна кўрсинларки, ғаним ҳамла қилган вақтда, жанг қилиб орқага қайтиб, кейин яна ҳамла қиладими ёки биринчи ҳамласи билан чегараланиб, охиригача савалашадими? Ғаним агар орқасига қайтмай жанг қилса, сипоҳ унинг ҳамласи билан тўсатдан етган зарбага сабр-тоқат қилиб, охиригача туриб бериши керак. (Бу ҳолда) шижоат бир соатлик сабр демакдир.

[1] Сурон — жанговар чақириқ.

105.

Амр қилдимки, душман уруш очмагунича ўзларича жангга кирмасинлар. Яна амр этдим: душман жанг майдонига киргач, лашкар бошлиғи ёсол[1]да турган тўққиз сипоҳий фавжга жангга тушиб, уруш бошлашлари ҳақида буйруқ берсин, чунки сипоҳ лашкарбошисининг вазифаси, жанг вақтида қўрқувдан қўл-оёғи бўшашиб, саросимага тушмайин, буйруқ беришдан иборатдир. У ҳар бир сипоҳ фавжини уруш аслаҳаларидан бири деб билсин ва ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, пичоқ ва ханжар каби ҳар бир фавжни ўз ўрни келганда ишлатсин. Ишбилармон лашкарбоши, ўзини ва тўққиз сипоҳий фавжини бир тандек кўриб, уларни қўл-оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин. Шундагина, ғаним, сипоҳий фавжлари устига кетма-кет урилган тўққизта қилич зарбасидан кейин, тўққизинчи зарбада албатта енгилишига умид қилса бўлади.

Ҳақиқий лашкарбоши аввал ғаним устига ҳировул фавжини юборади, сўнгра ёрдам учун кетидан баронғор ҳировулини жўнатади. Баронғор ҳировули кетидан эса жовонғор ҳировулини жангга ташлайди. Шу тарзда душман аскари устига кетма-кет уч зарба тушган бўлади. Бордию шу вақт ҳировуллар ғанимга қарши кучсизлик қилсалар, у ҳолда баронғорнинг биринчи фавжи от қўйсин, кетидан жавонғорнинг иккинчи фавжини жангга ташласин. Шунда ҳам зафар қозонилмаса баронғорнинг иккинчи фавжини жангга киритсин, кетидан жавонғорнинг биринчи фавжини юборсин. (Улар жангга киргач), менга хабар жўнатиб, кейинги буйруқларимни кутсин. Шундан сўнг Аллоҳнинг мададу иноятига таяниб, лашкарбошининг ўзи ҳам жангга кирсин. Мени ҳам уруш майдонида ҳозир деб билсинким, Аллоҳнинг ёрдами билан ғанимга саккиз зарба етгандан кейин, тўққизинчи зарбада душман енгилиб Фатҳу нусрат насиб бўлади.

Тўғри сардор улким, у шошма-шошарлик қилмай, (аввал) лашкарини ишга солади. Бордию лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин, чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтириб, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, сардор ақлу тадбиркорлик билан иш юритиб, шошма-шошарлик қилмасин, чунки шошқалоқлик шайтон ишидир. Чораси бўлмаган ишга киришмасин, чунки ундан қутулиб бўлмайди.

[1] Есол — қўшиннинг уруш олдидан саф тортиб туриши.

106.

• НАВРЎЗ—93 •



ТАНТАНАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу йилнинг 21 мартида республикамиз пойтахтининг Халқлар дўстлиги майдонида бошланган Наврўз тантаналари бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг тарқалди. Ҳар бир вилоятда, районда, меҳнат жамоасида, маҳаллада ва ҳар бир хонадонда байрам. Бу галги Наврўз ҳар доимгидан тантанаворроқ, пурвиқорроқ бўлаётир.

Жамоатчи суратқаш Б. ИСМОИЛОВ олган юқоридаги суратларда Қашқадарё вилоятининг Касби райони қишлоқлари ва хўжаликларида бўлиб ўтган тантаналар ўз аксини топган.

Ушбу суратлардан кўриниб турибдики, касбиликлар ота-боболаримизнинг қадимий урф-одатларини, анъаналарини эъзозлаб келишяпти. Масалан дастлабки суратда шу райондаги «Ғалаба» жамоа ширкат хўжалиги марказида яшовчи Лола Раҳмоновани кўриб турибсиз. У сумалак пиширишнинг хадисини олган онахонлардан. «Гулшан» ашула ва рақс дастасининг бадиий раҳбари Ёдгор Мусаев ҳам, дуторчи Равшан опа Мирзаева ҳам байрамга муносиб ҳисса қўшишди. Пахта заводига қарашли «Пахтаой» болалар боғчаси тарбиячилари Гулчеҳра Фармонова билан Ҳалима Баратовалар бир-бирларини қутламоқдалар.

Темур Малик номли давлат хўжалиги қиз-жувонлари рақсга тушганда ҳаммаёқ яшнаб кетди. «Ғалаба» қишлоғида яшовчи пенсионер Файзулло Бобоқулов эса ўзи севган жонивор билан сайилга чиқибди. Маълумки, кейинги йилларда туячиликка эътибор сусайганди. Эндиликда ана шу отахонга ўхшаганлар ноёб жониворларни кўпайтиришга интилишаётир.

«Зумрад» қишлоғида яшовчи Оқгул опа Йўлдошева қадимий мусиқа асбобларидан бири чанқовузда куй чалиб кўпчиликни хушнуд этди. «Дилрабо» ашула ва рақс дастаси раққосаси Ҳилола Қурбонова ижро этган арабча рақс ҳам кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди.

Саксон икки ёшли отахон Тўйчи бобо Ҳолмуродов ва унинг тенгқурлари «Юртимизда тинчлик, хотиржамлик, тўкинчилик бўлсин» деб дуога қўл очишди. Далаларга эса дастлабки барака уруғини қадаб беришди. Мирзо Улуғбек номли давлат хўжалиги ишчиси Очил Эшназаров «Терак ҳаммага керак» деган нақлга амал қилиб, қалампалар тайёрлади.

Ҳуллас байрам тантаналари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистондаги немислар: камайган бўлсалар-да, улар бу ерни Ватан дейдилар

Республикамиздаги осойишталик ва барқарорлик Москвадаги кўплаб «демократ» журналистларга ёқмаяпти. Энди улар Ўзбекистондаги немисларнинг аҳволидан «ташвишланиб» қолдилар.

Дафъатан янграган телефон қўнғироғи бамисоли қўёшли кунда гулдираган момақалдироқ бўлди. «Известия» газетасининг таниқли журналисти Вижутович жаноблари «безовта қилганим учун узр» деб тилёғламалик қилгач, Ўзбекистондаги немисларнинг турмуши ва муаммолари ҳақида маълумот тайёрлаб беришимни илтимос қилди. Бу яхши иш, деб ўйладим. Аммо суҳбатимиз давом этган сайин кўнглимда ташвишли безовталик кучая борди. Жаноб Вижутович тўғридан-тўғри: Ўзбекистондаги немислар қисувга олинаётгани тўғрисида, уларнинг кўплари бошқа юртларга бош олиб кетаётгани ҳақида, бу миллат вакилларининг авторитар-диктаторлик давлатидаги оғир қисмати тўғрисида ҳужжат кераклигини айтди. Бу илтимосни журналистнинг андишасизлиги, ҳақиқий аҳволни мутлақо билмаслигидан, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо унинг нияти бузуқлиги дарҳол сезилиб қолди.

Хўш, «Известия» газетаси бундай илтимос билан нега бир йил аввал ёки, айтайлик, уч ой илгари эмас, худди шу пайтда мурожаат этди? Муҳтарам таҳририят фош этувчи материални нечун апрель ойида тўсатдан эълон қилгиси келиб қолди? Мен бу саволларни тасодифан бераётганим йўқ. Буни қарангки, бу саволларга фақат битта жавоб топа олдим. Апрель ойида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Германия Федератив Республикасига расмий ташриф буюради. Шу сабабли «Известия», билмадим, кимнинг ишораси билан, республика хусусида муайян «фикр» ҳосил қилишга, икки мамлакат ўртасида гуркираб ривожланаётган муносабатларга раҳна солишга азм қилибди. Бу масалада Ўзбекистондаги немислар рўкач қилинмоқчи экани мени айниқса ғазаблантирди. Бу ибтидоий ва разил усулдан бошқа нарса эмас! Ушбу мақолани жаноб Вижутовичга жавоб деб билаверинг.

Ўзбекистонда яшовчи қирқ минг кишилик халқ ҳақида илгари бирон-бир нарса ёзиш ман қилинганди. «Байналмилал оила» деган сийқа гап барча оз сонли миллатларни қамраб олади, деб ҳисобланар эди. Собиқ Шўро давлатининг аниқ мақсадни кўзлаб ўтказган бу моғорбосган сиёсати нақадар кўп зарар етказгани ҳақида гапиришнинг мавриди эмас. Бир мисол. 1970 йилги умумиттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, гўё Ўзбекистонда немислар умуман бўлмаган эмиш!

Шу сабабли тарих қаърига бироз «сафар» қилишга тўғри келади. Немисларнинг Туркистонга дастлаб кўчиши 1879 йили Волга бўйида даҳшатли қурғоқчилик ва очарчилик содир бўлганида бошланган эди. Ўшанда юзга яқин оила араваларда, пиёда дашту биёбонларни кезиб бу ерга келган. Уларнинг ортидан бу меҳнатсевар халқнинг бошқа намояндалари ҳам Ўзбекистонни Ватан тутди. Тарихнинг далолат беришича, Столипин ислоҳоти даврида немисларнинг Ўрта Осиёга кўчиши оммавий тус олди. Омилкор хўжалик ходимлари учун бу ерда яхши истиқбол очилди. Бироқ аввалига биринчи жаҳон уруши, кейин Октябрь инқилоби рўй берди. Аммо суронли воқеалар шу билан тугамади. Сталин қирғинбароти, иккинчи жаҳон уруши бошланди... Хуллас, эллигинчи йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистонда немис миллатига мансуб анчагина киши яшар эди, улар асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида, шунингдек, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида жойлашган эди.

Немисларнинг аксарияти бу ерга ўз ихтиёри билан келмагани равшан. Аммо улар бу ерни ватан, деб билдилар, Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлиб қолдилар. Шу ўринда меҳнат армиясининг собиқ аскари, эндиликда шахсий пенсионер Александр Райсихнинг гапларини эслатиб ўтмоқчиман: «Немислар Россиядан кўра Ўзбекистонда анча яхшироқ яшаб келди. Фалакнинг гардиши билан мен бир неча меҳнат лагерларида бўлдим, тиканли симлар орасида ишладим. «Челябинск» деб аталган шаҳарни, Қайроққум ГЭСини, Янгиер шаҳрини қуришда қатнашдим. Оғир дамлар эди, албатта. Бироқ мен Ўзбекистонни ҳақиқий ватаним, деб билдим, деярли бутун ҳаётимни шу юрт билан боғладим. Ҳозир мураккаб давр. Шундай бўлса-да, Ўзбекистондаги немислар ўз муаммолари ҳақида рўй-рост гапиришлари ва уларни ҳал қилишлари мумкин...»

Ҳозир немислар республика халқ хўжалигининг қарийб барча соҳаларида меҳнат қилмоқдалар. Ҳисоб-китобларга қараганда, уларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги иштироки оз сонли миллатлар орасида энг юқоридир. Бас, шундай экан, қандайдир камситиш, қисувга олиш ҳақида гапириш ўтакетган одобсизликдир. Мен тиббиёт фанлари номзодиман, бутун умримни илмий ишга бағишладим, Ўзбекистоннинг тарихи ва маданиятини ардоқлайман. Кўпгина немислар республиканинг равнақига катта ҳисса қўшдилар. Улар орасида фан докторлари, йирик корхоналарнинг раҳбарлари бор. Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам жуда машҳур бўлган баъзи кишиларнинг номларини айтиб ўтмоқчиман. Тиббиёт фанлари доктори профессор Геннадий Гиммельфарб, биофизик, профессор Альберт Гагельганс, «Компрессор» заводининг бош директори Владимир Фрошгейзер шулар жумласига киради. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон немисларининг «Видергебурт» маданият жамиятининг фаол аъзоларидир.

Бу марказ жамоат бирлашмалари тўғрисидаги республика қонуни қабул этилгандан кейин тузилди. Неча ўн йиллик забунликдан сўнг немислар халқ сифатида ўз зурриётини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, тили, маданияти, анъаналари ва динини тиклаш, ўзининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини олдилар. «Видергебурт» маданият маркази мана шу масалаларнинг ҳаммаси билан шуғулланмоқда. Шу қадар қисқа вақт ичида барча муаммоларни ҳал этишнинг иложи йўқлиги табиий. Шундай бўлса-да, ҳозиргача анча-мунча иш қилинди. Диндорларнинг Тошкент марказидаги Лютеран кирхасида ибодат қила олиши энг жиддий ижобий ўзгаришлардан бири бўлди. Ҳозирча бизга немислар қурган ибодатхона ҳафтасига икки марта бериб турилибди. Аммо ҳозир уни тўла-тўкис қавмларга топшириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

«Видергебурт» жамияти бошқарувининг яна бир аъзоси, руҳоний Константин Гренцнинг фикрига қулоқ беринг: «Мен Тошкентда уч йилдан бери яшаяпман. Ҳеч муболағасиз бу шаҳарнинг бетакрор руҳи, ўзига хос шакл шамойили бор. Байналмиллалик унинг энг яхши хислатидир. Мен ўз ваъзларимда Президент Каримовни доимо дуо қиламан, у вазмин ва доно сиёсат ўтказувчи улуғ раҳбардир. Қадимий Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик, аввало, унинг хизматидир. Мен қавмларга доимо бир гапни айтаман: сабр қилинглар, бошингизни оғиртманглар, ўрганиб қолган жойингизни тарк этманглар. Бу ер — сизнинг ватанингиз, унинг келажаги буюк, дейман. Уларга бир мисолни айтиб бераман. Ғазалкентдан Германияга кетган бир кишидан яқинда хат олдим. У мармар конида ишлар, мўъжазгина уйи, серҳосил токзори бор эди, булар билан фахрланарди. Аммо бировларнинг гапига кириб кетиб қолди. У бундай деб ёзибди: «Мен Ўзбекистони, жонажон Ғазалкентни ҳеч унута олмайман. Бу ерда — бегонаман. Бундан кейин қандай яшашимни билмайман...». Бу гапга нима деса бўлади? ...Албатта, муаммолар кўп. Аммо одамлар менинг ваъзларимни эшитиб таскин топмоқда. Ибодатга доимо юзлаб киши келиб турибди. Одамлар худога интилмоқдалар, ўзлари ибодат қилаётган диннинг моҳиятини билиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Энди уларга ҳеч ким ҳалақит бермайди.

Ҳа, такрор айтаман — немис миллатини тиклаш учун кўп иш қилинди. Аммо муаммолар ҳам анчагина. Ўзбекистон немисларининг қарийб етмиш фоизи она тилини билмайди. Тобора бошқа миллатлар билан қоришиб кетмоқда. Баъзилар Германияга кўчмоқда. Аммо барча немислар Ўзбекистонни тарк этади, деб ҳисоблаш соддадилликдир. Бу ерлик немисларнинг кўплари учун Ўзбекистон она ватан бўлиб қолган ва улар шу ватанга содиқ бўладилар. Бу соҳада немисларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам беришга оид махсус Ўзбекистон — Германия давлатлараро дастури ишлаб чиқилса, соз бўлур эди. Чунки Германия ҳукумати бизни икки мустақил давлатни боғловчи ишончли кўприк деб ҳисобламоқда. Шу кўприкдаги «қатнов» эса кун сайин жадаллашмоқда. Ҳозир Германия Ўзбекистоннинг Европадаги энг катта ҳамкоридир. Бизда киркатага яқин йирик қўшма корхона ишлаб турибди. Улар тобора кўпайиб бориши шубҳасиз. Бу эса, назаримда, Ўзбекистон немислари фаровонлигининг умидбахш кафолатидир.

Кичик бир мақолада Ўзбекистонда яшовчи ўн минглаб немисларнинг турмушини тасвирлаб беришнинг иложи йўқ. Бизнинг мураккаб давримизда улар ҳам республикадаги ўзбеклар, руслар, қозоқлар, татарлар, бошқа ҳамма миллат намояндалари каби қийинчилик кўрмоқдалар. Шу сабабли жаноб Вижутович кабиларнинг «ҳақиқатни очиш»га уринишлари фойда эмас. Юртимизда вужудга келаётган муаммоларни ўзимиз бартараф этишимизга имкон беринг. Яхшиси, Россия немисларига эътиборни қаратинг, уларнинг ҳал этилмаган муаммолари бошларидан ошиб ётибди.

Ҳуллас, Президент И. Каримовнинг Германияга қиладиган ташрифи аҳамиятини пасайтириш, унинг муваффақиятли ўтишига халал етказиш учун сохта демократлар қанчалик уринишмасин, уларга айтадиган гапимиз шуки, ҳамма уринишларингиз беҳуда. Икки мамлакат шубҳали сиёсий воситачиларга муҳтож эмас. Буни уқиб оладиган пайт аллақачон келган.

Теодор ЕКЕЛЬ,
Ўзбекистон немислари Тошкент «Видергебурт» маданият марказининг раиси.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 16 апрелда чиқади).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлими, Фанлар академияси ходимлари касаба уюшмасининг жумҳурият қўмитаси Президиуми таниқли олим, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси, техника фанлари доктори, профессор

Ҳалим Ҳайдарович УСМОНХЎЖАЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси вазирлик ҳайъатининг аъзоси, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг директори, академик

Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ва яқин кишиларига чуқур ҳамдардлик билдиради ҳамда таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси президиуми атоқли олим, академик

Абдували Имомалиевич ИМОМАЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

Қибрай тумани ҳокимлиги Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг директори, академик

Абдували ИМОМАЛИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик изҳор қилади.

«Средазремэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма Вош директори Темур Юнусов ва унинг оила аъзоларига волидаи мукаррамалари

Саврия ая ИСАМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.

Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Қаршида — 3-25-79;
Навбатчи муҳаррир:

Нукусда — 2-42-62;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.

З. ҲАЙДАРОВ.

- Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиби №000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.

Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.40.

Г—168. № 66.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.